

## **Инсонпарварлик соҳасида фаолият юритувчи ишчилар учун жинсий хулқ бўйича қоидалар**

Инсонпарварлик соҳасида фаолият юритувчи ишчилар **жинсий муносабат билан боғлиқ номақбул ҳатти-ҳаракатлари учун интизомий жазо олишлари – ҳатто ишдан ҳайдалишлари мумкин**. Булар ишчилар риоя қилиши шарт бўлган қоидалардир:

- Инсонпарварлик соҳасида фаолият юритувчи ишчиларга **ҳатто улар яшаётган давлатларда қонуний бўлган тақдирда ҳам, 18 ёшдан кичик бўлган ҳар қандай шахс билан жинсий алоқа қилишлари маън этилади**. Вояга етмаган шахснинг ҳақиқий ёшини билмаслик узрли сабаб бўла олмайди.
- Инсонпарварлик соҳаси ишчилари жинсий алоқа учун пул, иш ўрни, маҳсулот ёки хизмат орқали ҳақ тўлашлари таъқиқланади, шу жумладан муҳтож одамларга мўлжалланган маҳсулот ва хизматлар орқали ҳам. Улар бошқа одамларни камситишга ёки улардан фойдаланишга қаратилган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни қабул қилишига мажбур қилиш мақсадида бундай нарсаларни ваъда қилмасликлари шарт. Бу фоҳиша билан жинсий алоқа қилиш учун пул тўлашни ёки пул таклиф қилишни ҳам ўз ичига олади.
- Ёрдамга муҳтож одамлар инсонпарварлик соҳаси ишчиларига муҳтож бўладилар. Бу, инсонпарварлик соҳаси ходимларини ёрдамга муҳтожларга нисбатан ҳукмрон мавқеъга кўяди. Шу сабабдан, инсонпарварлик ташкилотлари, ходимларни **фавкулотда ҳолатдаги ҳеч қандай киши билан жинсий алоқа қилмасликларига қатъий даъват этади**. Бундай алоқалар инсонпарварлик фаолиятинининг самимийлиги ва ишончилигига шубҳа туғдиради.
- Агар инсонпарварлик соҳасида фаолият юритувчи ишчилар ўз ташкилотларида ёки бошқа ёрдам ташилотида бирор шахс жинсий хулқ бўйича инсонпарварлик қоидаларини бузаётганлигидан **ташвишлансалар ёки шубҳалансалар**, улар ўз муассасалари томонидан ўрнатилган **тартибларга** риоя қилган ҳолда, бу ҳақда хабар беришлари **шарт**.
- Инсонпарварлик соҳасида фаолият юритувчи ишчилар номақбул жинсий хулқнинг олдини олишга ва ходимларининг хулқ-атвор меъёрларида белгиланганидек ўзини тутишларига ундовчи меҳнат муҳитини **яратишлари ва сақлашлари шарт**. **Барча раҳбарлар** бундай муҳитни сақловчи тизимларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун маъсулдирлар.

Жинсий зўравонлик ва суистеъмол бўйича Муассасалараро доимий қўмита (IASC) тамоилларини қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин:

[http://www.pseatastaskforce.org/uploads/tools/sixcoreprinciplesrelatingtosea\\_iasc\\_english.doc](http://www.pseatastaskforce.org/uploads/tools/sixcoreprinciplesrelatingtosea_iasc_english.doc).

Ушбу соддалаштирилган нусха Талофот кўрган Аҳолига Масъуллик шунингдек Жинсий Зўравонлик ва Суистеъмол<sup>1</sup>дан Ҳимоялаш бўйича Муассасалараро Доимий Қўмита (IASC) Ишчи Гуруҳи, ҳамда Чегара билмас Таржимонлар Ташкилотининг ҳамкорлигида ишлаб чиқилди.